

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СИДДИҚОВ ЗАЙНИДДИН ХОЛДОРОВИЧ

**ОЛИЙ МАТЕМАТИКАНИ ЎҚИТИШДА МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ
КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Сиддиқов Зайниддин Холдорович

Олий математикани ўқитишда математик моделлаштириш орқали талаба-
ларнинг ўқув кўникмаларини шакллантириш методикаси.....5

Сиддиқов Зайниддин Холдорович

Методика формирования учебных навыков у студентов путем
математического моделирования в процессе обучения высшей
математики.....25

Siddikov Zayniddin KHoldorovich

Method of formation of educational skills at students by mathematical modeling at
teaching of higher mathematics47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СИДДИҚОВ ЗАЙНИДДИН ХОЛДОРОВИЧ

**ОЛИЙ МАТЕМАТИКАНИ ЎҚИТИШДА МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ
КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD.Ped120 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тожиев Мамаражаб
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Джалилов Ахтам Абдурахмонович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Баракаев Мурот
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент-кимё технология институтини, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.Ped.01.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-67-35; факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.)

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-67-71; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

М.М.Арипов
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Д.М.Махмудова
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD), доцент

М.Тўхтасинов
илмий даражалар берувчи Илмий
семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида математик моделлаштириш таълим тараққиётининг ажралмас таркибий қисми сифатида қаралмоқда. Чунки, XXI асрда барча фанларда моделлаштириш методидан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Дунёнинг нуфузли олий таълим муассасаларида талабаларни математик моделлаштириш технологиялари асосида мотивациясини ривожлантириш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга оид компетентли тадқиқот ишлар амалга оширилмоқда. Таълим сифати юқори даражада эътироф этилган давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида талабаларни математик моделлаштириш асосида касбий малакаларини ривожлантириш масаласи кенг йўлга қўйилган. XXI аср замонавий фаннинг барча соҳаларида моделлаштириш методига катта муваффақиятлар ва обрў-эътибор келтирмоқда.

Жаҳонда фан ва технологиялар интенсив ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда олинган илмий тадқиқотлар натижаларини ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга жорий эта оладиган компетентли мутахассис кадрларни тайёрлаб етиштириш таълим олдида турган муҳим вазифалардан бўлиб, мазкур вазифаларни самарали ҳал этишда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда бўлғуси мутахассис кадрларни математик моделлаштириш мотивацияси кўникмаси билан пухта ва мустаҳкам билим беришни давр тақозо этмоқда. Бу ўз навбатида математик моделлаштириш методларини «Олий математика» фани ўқув машғулотида қўллаш ҳамда бўлғуси салоҳиятли муттаҳасислар тайёрлаш борасида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамиз олий таълим муассасалари ўқув жараёнларини ташкил этишда математик моделлаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратилиб, бу соҳада эришилган ютуқлар билан бир қаторда математик моделлаштириш механизмларини такомиллаштириш юзасидан мақсадли тадқиқотларни ташкил этиш зарурлиги сезилмоқда. Математика таълимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирларида «... математика, физика, кимё, биология, информатика ва чет тили каби муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш»¹ устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада республикамиз олий таълим муассасаларида математик моделлаштириш орқали бўлғуси мутахассислик билан боғлиқ бўлган масалаларни ижобий ечиш, математик моделлаштиришни ўргатилиши орқали бўлғуси мутахассислар тайёрлаш сифатини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб қувватлаш, шунингдек, В.И.Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-4387-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 йил, 07/19/4387/3397-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 17 январдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сон Фармонлари ва 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол ва шижоаткор иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда методик жиҳатдан талабаларда математик моделлаштириш кўникмасини ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, хусусан, олий таълим муассасаларининг олий математикани ўқитишда бўлажак мутахассисларда математик моделлаштириш кўникмаларини ривожлантириш муаммоси юзасидан илмий изланишлар олиб бориш йўлга қўйилган. Талабаларда математик моделлаштириш кўникмасини ривожлантиришнинг педагогик, психологик, методик, дидактик жиҳатлари бўйича республикамизда Ш.Алимов, Ж.И.Икрамов, Н.Р.Ғайбуллаев, Г.В.Злоцкий, М.Адҳамов, Т.Тўлаганов, М.Тожиев, Д.Юнусова, С.Алихонов, М.Раёмов, М.Баракаев, А.Ю.Бакирова ва бошқалар томонидан эътиборга сазовор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса, МДХда А.Н.Колмогоров, Ю.И.Колягин, В.М.Монахов, А.Г.Мордкович, В.И.Мишин, Г.В.Дорофеев, Г.И.Саранцев, А.А.Столяр, Р.С.Черкасов, П.М.Эрдниева, Е.У.Медеуов, О.С.Сатыбалдиев, Д.Раҳимбек ҳамда математик моделлаштириш соҳасида дунё миқёсида ўйинлар назарияси билан англиялик Д. Нейман, чизикли дастурлаш соҳасида венгриялик Д.Дансик, америкалик Нобель мукофоти лауреати Л.Конторовичлар илмий тадқиқот ишларини амалга оширган бўлиб, булардан тадқиқот ишимизда методологик асос сифатида фойдаланилди.

Олий таълим муассасаларида «Олий математика» ўқув фанидан талабаларга ўқув машғулотларини ташкил этиш бўйича бир қатор Ўзбекистон олимларининг ишлари бағишланган, буларга Т.А.Азларов,

Т.Ж.Жўраев, А.Саъдуллаев, А.Ортиқбоев, В.Е.Минорский, Х.Р.Шокирова, Ё.У.Соатов, Г.Худойберганов, Б.А.Шоимкулов, Н.Жабборов, А.Ўринов, Р.Бешимов, Г.К.Изетаева ва бошқалар. МДХдан эса В.П.Демидович, Н.Берман, В.Е.Гмурман, А.Д.Кудрявцев, В.Л.Ногин, В.А.Ильин, В.А.Садовничий, Б.Х.Сендов ва бошқаларнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларини кўрсатиш мумкин.

Таълим жараёнида қўлланилаётган педагогик технологиянинг таркибий қисми бўлган, таълимда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича тадқиқотлар М.М.Арипов, А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимкулов, Ш.С.Шарипов, У.Юлдашев, Н.И.Тайлақов, Ф.М.Закирова, Р.Боқиев, А.Ғ.Ҳайитовларнинг ишларида амалга оширилган.

Математик моделлаштиришнинг илмий-услубий асослари, математик моделлаштириш асосида талабаларни касбга йўналтириш ҳамда математикани ўқитиш жараёнида моделлаштиришни ўргатиш методикасига оид Х.Т.Абдуллаев, Т.Шодиев, Н.О.Эшпўлатов, М.Исроилов, Н.Уразов, Б.Ж.Отаниёзов, Х.М.Матғозиев, Ю.Х.Эшқобиловлар ҳамда Н.И.Бусленко, И.В.Бабичева, А.Б.Горстко, С.А.Зайцева, Д.А.Новиков, Т.В.Малкова, И.Б.Новик, Н.А.Терешин, И.М.Яглом, И.М.Шапиро, В.А.Штофф ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларидан бизнинг тадқиқот ишимизда дастуриламал сифатида фойдаланилди.

Юқорида кўриб ўтилган ишларнинг таҳлили математик моделлаштириш ёрдамида талабаларга галактиканинг пайдо бўлиши ва Ер сайёраси ичидаги геологик жараёнлар, мамлакатимиз худудларида ижтимоий ва иқтисодий режалаштириш масалалари, корхоналарда юзага келган ишлаб чиқариш ҳодисаларининг ўргатилишига қаратилган ишлар бажарилган бўлса-да, бу билимларни касбий фаолиятларида қўллашда қийинчиликларга дуч келишмоқда. Шу вақтга қадар математик моделлаштириш воситасида олий таълим муассасалари талабаларини ўқув кўникмаларини ривожлантириш ҳамда касбга йўналтириш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган. Шундан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида математик моделлаштиришни ўргатиш орқали талабаларнинг ўқув кўникмаларини ривожлантириш шу куннинг долзарб муаммоси, деган хулосага келинди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-4-59 рақамли «Иккинчи тартибли чизиқли сингуляр коэффициентли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун бошланғич ва чегаравий масалалар» (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий математикани ўқитишда талабаларнинг математик моделлаштириш бўйича ўқув кўникмаларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасаларида «Олий математика» ўқув фанига математик моделлаштиришни кўллаб, ўқитишнинг сифат кўрсаткичини таҳлил қилиш ва математик моделларга қўйиладиган талаблар, тузилиши бўйича шакллари ва воситалари асосида математик моделлаштириш таснифига аниқликлар киритиш ва шу асосида такомиллаштириш;

талабаларга математик моделлаштиришни ўргатиш бўйича ўқув курсининг мақсади ва вазифаларини аниқлаб, мазмунини ишлаб чиқиш, талабаларнинг ўқув кўникмаларини ривожлантиришда математиканинг сўнгги имкониятлари бўйича математик моделлаштириш салоҳиятининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш;

олий математикани ўқитишда талабаларга математик моделлаштиришни ўргатишнинг услубий жиҳатдан илмий асосланган, ўқув кўникмаларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш;

математик моделлаштириш – талабаларни бўлғуси касбга йўналтиришнинг омили сифатида, ўқув кўникмаларини ривожлантириш методикасининг самарадорлиги бўйича педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида «Олий математика» ўқув фанини математик моделлаштиришдан фойдаланиб ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Фарғона политехника институти, Жиззах политехника институти ва Наманган муҳандис технология институтлари талабаларидан жами 600 нафар респондент жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети талабаларга математик моделлаштиришни ўргатиш бўйича ўқув курси мазмуни, таснифи, ўқитиш шакллари, усуллари, воситалари ва методикаси.

Тадқиқотнинг усуллари олий таълим муассасаларида талабаларга математик моделлаштиришнинг ўқитилишини кузатиш ва таҳлил қилиш; суҳбатлар ва анкета сўровларини ўтказиш; тажриба ва назорат гуруҳларини танлаш мақсадида тестлар ўтказиш; тадқиқот натижаларини статистик таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

масалаларни математик моделларини тузишда қўйиладиган талаб ва мезонлар мазмунини белгилаш асосида масалани математик модели таснифи (модель, схема, қурилма, шартли белги, математик модель, оптимизацион, тенгдош, динамик, статик, детерминанланган, стохастик, назарий, амалий) аниқлаштирилган;

талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини ривожлантириш, билимларини

тўлақонли шакллантириш ва назорат қилишга қаратилган математик модель қуриш босқичларини мувофиқлаштириш ва сифат кўрсаткичларини оптималлаштириш асосида математик моделлаштириш имкониятлари (мусобақавийлик, вариативлик ва натижавийлик) такомиллаштирилган;

талабаларга олий математикани ўқитишда ўқув кўникмаларини шакллантиришга омил бўладиган, технологияларга асосланган ўқитиш методикаси “амалий мазмунга эга” масалалар(политехник, иқтисодий, ишлаб чиқариш)ни математик моделлаштиришга йўналтириш асосида такомиллаштирилган;

“Олий математика” ўқув фанини ўқитишда математик моделлаштиришдан фойдаланиб бўлғуси мутахассисларни тайёрлаш амалиёти ўқитишга контекстли ёндашуви(мақсадга йўналтириш, алгоритмини тузиш, рефлексивлаш) орқали масалаларнинг математик моделини қуришга оид билимлар (назарий ва амалий) динамикасига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

математик моделлаштиришга ўргатишнинг назарий жиҳатдан асосланган методикаси асосида олий таълим муассасаларида «Олий математика» ўқув фанини математик моделлаштиришни қўллаб, ўқитиш жараёнини ташкил этиш натижасида талабаларда танқидий ва ижодий фикр юритиш, ўқув кўникмаларини ривожлантиришга ҳамда уларни касбга йўналтиришга олиб келган;

олий таълим муассасаларида таълим олаётганларга моделлаштиришни ўргатиш бўйича ўқув курси ва талабалар учун математик моделлаштиришни ўргатиш мақсадида «Ахборот технологиялари ва жараёнларни математик моделлаштириш» номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасалари, коллежлар ва академик лицейларда математикадан дарс берувчи ўқитувчилар ўз амалиётларида қўлланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Математик моделлаштириш орқали талабаларни касбга йўналтириш методикаси; талабаларга математик моделлаштиришни ўргатиш бўйича ўқув курси; талабаларга математик моделлаштиришни ўргатишнинг назарий жиҳатдан асосланган ўқув кўникмаларини ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

қўлланилган ёндашув, усуллар ва маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, педагогик таълим соҳасидаги республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги, бажарилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари воситасида

асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида талабаларга математик моделлаштиришни ўргатиш бўйича ўқув курсининг мазмуни, талабаларга олий математикани ўқитиш жараёнида математик моделлаштиришни ўргатиш методикаси ҳамда математик моделлаштириш кўникмасини ривожлантириш асосида талабаларни касбга йўналтириш методикаси, педагогик тажриба-синов натижалари, тайёрланган ўқув, методик қўлланмалар ҳамда монография «Олий математика» ўқув фанини ўқитиш сифатини янада оширишда ва илм-фан, таълим-тарбияни ривожлантиришда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши “Олий математика” ўқув фанини математик моделлаштиришдан фойдаланиб ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

математик моделлаштириш механизмлари ёрдамида талабаларнинг математик моделлаштириш кўникмаларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар, такомиллаштирилган ўқитиш методикаси, математик билимларни ўзлаштиришдаги педагогик-психологик, дидактик ва техник талаблар “Ахборот технологиялари ва жараёнларни математик моделлаштириш” номли ўқув қўлланмада ўз аксини топган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 декабрдаги 89-03-4698-сон маълумотномаси). Ушбу ўқув қўлланма олий таълим муассасалари ўқув-методик таъминотини бойитиш, талабаларнинг математик моделлаштириш бўйича билим, амалий кўникма ва малакаларининг ривожланишига хизмат қилган;

талабаларни креатив фикрлаш ва фанга оид компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган математик моделлаштириш кўникмасини ривожлантириш асосида талабаларни касбга йўналтириш методикаси ҳамда тайёрланган ўқув-методик қўлланмалар ва монографиядан А-1-33 рақамли “Олий таълим муассасаларида ўқув фанларини модулли ўқитиш методикаси ва амалиёти (“Математика ўқитиш методикаси” таълим йўналиши мисолида)” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 декабрдаги 89-03-4698-сон маълумотномаси). Мазкур лойиҳа “Олий математика” ўқув фанини ўқитиш сифатини янада оширишга ва талабаларнинг ўқув кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

талабаларга олий математикани ўқитишда ўқув кўникмаларини шакллантиришга оид бўладиган, математик моделлаштиришни ўргатишга оид таклиф ва тавсиялари “Жараён ва тизимларни моделлаштириш” дарслиги мазмунида ўз аксини топган ҳамда “Олий математика” ўқув фани мазмунини такомиллаштиришда эътиборга олинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 декабрдаги 89-03-4698-сон маълумотномаси). Математик моделлаштиришга оид ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар

талабаларнинг ўқув кўникмаларини ривожлантиришга ва уларни касбга йўналтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги Диссертация мавзуси бўйича жами 24 номдаги илмий иш чоп этилган: жумладан, республика илмий-амалий конференцияларида 15 та, 1 та ўқув қўлланма, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола: шулардан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, усуллари ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, тадқиқот ишининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг «**Олий математикани математик моделлаштиришдан фойдаланиб ўқитишнинг дидактик шарт-шароитлари**» деб номланган биринчи бобида олий таълим муассасаларида олий математикани математик моделлаштиришдан фойдаланиб ўқитишнинг мақсади, вазифалари, ҳолати, математик моделлаштиришнинг моҳияти ва таснифи, олий математикани ўқитишда талабаларнинг математик моделлаштириш кўникмаларини шакллантиришнинг ўрни ва аҳамияти баён қилинган.

Олий таълим муассасаларида математик моделлаштиришдан фойдаланиб, олий математика ўқув фанини ўқитишнинг ҳолати таҳлил қилинган ва шу асосида уни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари белгилаб берилган.

Фан ва технология жадал суратлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда олинган илмий тадқиқотлар натижаларини ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга татбиқ эта оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш таълим олдида турган асосий вазифалардан биридир. Мазкур вазифани самарали ҳал этишда мамлакатимиз таълим тизимининг барча босқичларида замонавий педагогик, инновацион ва ахборот коммуникация технологияларидан

самарали фойдаланган ҳолда бўлғуси мутахассис кадрларни математик моделлаштириш кўникмаси билан чуқур қуроллантириш талаб этилади.

Бу таълим тизимининг барча босқичларида ва таълим йўналишларида талабанинг эгаллаётган касбининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда математик моделлаштириш кўникмасини шакллантиришни талаб этади. Чунки, бугунги кунда бутун дунё ҳамжамиятида яшаётган ҳар бир киши ўзининг илмий, таълимий ва касбий фаолиятида ўзини ўраб турган моддий борликни, ундаги воқеа-ҳодисаларни моделлаштириш кўникмасига эга бўлмасдан туриб, ўз ҳаётининг барча жабҳаларида етарли даражада самарали фаолият юритиши қийинлашиб бормоқда.

Олий таълим муассасаларида математик моделлаштиришдан фойдаланиб, «Олий математика» ўқув фанини ўқитишнинг ҳолати таҳлил қилинганда, математик моделлаштириш олий таълим муассасаларининг деярли барча таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ўқув фани дастурларида тилга олинган бўлса-да, аммо бу предмет сифатида «Олий математика» ўқув фани мазмунида ўрганилиши ва шу асосида талабаларнинг ўқув кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилганлиги аниқланди.

Шундан келиб чиқиб, тадқиқотда бир неча таълим йўналишларида ўқитиладиган «Олий математика» ўқув фан дастури таҳлил этилган бўлиб, унда, «Математик ва табиий-илмий фанлар» блокадаги «Математик коммуникатив курс»да математик моделлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш бўйича талаблар қўйилган.

Илмий изланишлар таҳлилидан маълум бўлдики, моделлаштириш қадимги замонлардаёқ қўлланила бошланган ва аста-секин илмий билимларнинг қурилиш ва архитектура, астрономия, физика, химия, биология, ижтимоий фанлар каби тобора янги соҳаларини қамраб ола бошлаган. Биринчи математик моделлар бўйича Ф.Кене томонидан ижобий натижалар олинган бўлиб, иқтисодий жадвалда А.Смит, Ч.Биббидж, Ф.Тейлор, Г.Гентлар эса классик макроиқтисодий моделда ва Д.Рикардо халқаро савдо моделларида ишлатганлар.

XXI аср замонавий фаннинг амалда барча соҳаларида моделлаштириш усулига катта муваффақиятлар ва обрў-эътибор келтирди. Масалан, антогонистик можароларни математик моделлаштиришда артиллериялар учун Ф.Ланчестер усулидан, инвестицияни бошқариш назарияси бўйича Ф.Харрис усули, маиший хизмат соҳасида А.Ерлинг усулларидан фойдаланилган. Шунингдек, математик моделлаштириш соҳасида ўйинлар назарияси билан Д.Нейман, чизикли дастурлаш соҳасида Д.Дансик, Л.В.Канторовичлар илмий изланишларни амалга оширган.

Моделлаштиришнинг энг асосий афзалликларидан бири шундан иборатки, у талабада юқори даражада фикрлаш имкониятини яратади ва

уларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради. Шундан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида фанларни ўқитишга математик моделлаштиришни қўллашнинг дидактик шарт-шароитлари ва талабаларни математик моделлаштиришга ўргатишнинг назарий асослари таҳлил қилинган.

Математик моделлаштиришнинг таснифи келтирилган ва унинг моҳияти очиб берилган. «Модель» сўзи латинча «modulus» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида «ўлчов», «намуна», «норма» – деган маънони англатади.

Ҳозирги пайтда «модель» ва «моделлаштириш» атамаси илмий адабиётларда кенг қўлланилиб, дастлаб «модель» сўзи «қурилиш санъати» билан боғлиқ бўлиб, у «нарсанинг намунаси» ёки «унга ўхшаш» деган маъноларда ишлатилган. Кейинчалик эса, «модель» атамаси математика, информатика, техника ва табиий фанларда илмий атама сифатида қўлланила бошлаган. Умуман, «модель» – бу «схема», «қурилма», «шартли белги» тарзидаги сунъий равишда яратилган объект бўлиб, у ўрганилаётган воқеа-ҳодиса ёки объектнинг тузилиши, асосий хусусиятлари ва элементлари орасидаги боғлиқликни ўзида акс эттиради ва қайта тиклайди.

Математик моделлаштиришнинг моҳияти ва умумий таснифи илмий асосда таҳлил этилган (1-расмга қаранг).



1-расм. Математик моделлаштириш таснифи.

Таҳлиллар натижаси «Математик модель» ва «Математик моделлаштириш» атамаларига аниқлик киритувчи «модель» ва «моделлаштириш» тушунчаларининг ўрганиб чиқилиши модель тушунчасини муҳим умуммиллий категориялардан бири сифатида аниқлашга, моделлаштиришни эса –

ахборотларни аналогиясидан прототипига узатиш мумкин бўлган билим олиш методи сифатида аниқлашга имкон берди.

Олий таълим муассасаларида математик моделлаштиришнинг ўргатилиши талабалар томонидан билимларни тўлақонли ўзлаштириш методларини эгаллашларига имкон беради ва уларнинг мустақил фикр юрита олиш қобилиятларини янада ривожлантиради.

Таълим жараёнида турли фанларни ўқитиш жараёнига математик моделлаштиришни қўлланилиши мазкур жараённи оптималлаштириш имкониятини оширади.

Талабаларнинг математик моделлаштириш кўникмаларини шакллантиришда олий математика ўқув фанининг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилган.

Ҳақиқатдан ҳам математик моделлаштиришга назария ҳамда тажрибанинг кўплаб ютуқларини ўзида мужассамлаштирган ўқув жараёнини лойиҳалаш, талабалар томонидан янги билимларни англашнинг янги усули сифатида қараш мумкин.

Математик моделлаштириш илмий-техник тараққиётнинг муҳим асосларидан бири бўлиб, ривожланган мамлакатларда асосан мазкур методикадан фойдаланган ҳолда йирик масштабли технологик, экологик ёки иқтисодий лойиҳалар ишлаб чиқилмоқдаки, натижада улар барча соҳаларда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Математик моделлаштиришнинг асосини «модель-алгоритм-дастур» учлиги ташкил этади. Ўрганиладиган жараёнларнинг математик моделлари мураккаб бўлиб, у ўз ичига чизиқли бўлмаган функционал-дифференциал тенгламалар тизимини қамраб олади. Математик моделнинг ядросини хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ташкил этади.

Ҳисоблаш тажрибасининг биринчи босқичида объектнинг муҳим хусусиятлари – унинг таркибий хусусиятларига хос бўлган қонунлар математик кўринишда акс эттирилади. Математик модель ва унинг асосий қисмлари объект тўғрисида жорий маълумотларни билиш учун амалий математиканинг анъанавий аналитик воситалари ёрдамида ўрганилади.

Иккинчи босқич – моделни компьютерда ишлаб чиқиш учун ҳисоблаш алгоритминини танлаш билан боғлиқ. Изланаётган катталикларни мавжуд ҳисоблаш техникасида берилган аниқликда олиш лозим.

Бунда ҳисоблаш алгоритмлари моделнинг, бевосита объектнинг асосий хусусиятларинини чекламаслиги, ечилаётган масалаларнинг ва ҳисоблаш воситаларининг хусусиятларига мослашиши керак.

Математик моделларнинг асоси математик физиканинг хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалари чегаравий масалаларини ечишнинг сонли усулларида ташкил топган ҳисоблаш математикаси ёрдамида ўрганилади.

Учинчи босқичда модель ва алгоритмни компьютерда ишлатиш учун дастурий восита яратилади.

Одатда, битта математик ифода ёки тушунча ҳар хил жараён, тавсифларни таърифлаши мумкин. Масалан, Лаплас тенгламаси гидродинамикадаги сиқилмайдиган суюқлик ҳаракатини, зарядланмаган жисмлар ташқарисидаги электростатик майдонни, стационар иссиқлик майдонини, эгилувчанлик назариясида мембрананинг эгилишини таърифлайди. Хусусан, бу аниқ бир ҳодиса ёки жараённи ўрганишда бошқа бир ҳодиса ёки жараённи ўрганиш пайтида олинган натижаларни қўллашга имкон беради. Математик моделларнинг бундай умумийлигида математика усулларининг бирлашган аҳамияти намоён бўлади.

Шулардан келиб чиқиб, диссертацияда олий математикани ўқитишда математик моделлардан фойдаланиш йўллари келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **«Математик моделлаштиришни қўллаб олий математикани ўқитиш орқали талабаларнинг ўқув кўникмаларини ривожлантириш методикаси»** деб номланган иккинчи бобида олий таълим муассасалари талабаларига олий математикани ўқитишда ўқув кўникмаларини шакллантиришга омил бўладиган математик моделлаштиришни ўргатишнинг услубий жиҳатдан асосланган методикаси такомиллаштирилган.

Математик моделлаштириш орқали талабаларнинг ўқув кўникмаларини шакллантириш ва уларни бўлғуси касбга йўналтириш масаласи кўриб ўтилган.

Олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларнинг эгаллаган математик билимларини касбий фаолиятида қўллай олиш амалиётининг етарли даража ривожланмаганлик муаммоси ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Ҳақиқатдан ҳам олий математикани ўрганиш жараёнида талабалар амалий фаолиятга тўғридан-тўғри ўтказилиши мумкин бўлмаган назарий қоидалар кўринишида ифодаланган асосий қонун ва қоидаларни, тамойилларни ўзлаштира оладилар, чунки назарий қоидалар билан амалий фаолиятлар орасида амалий билимлар туради. Математикада бундай билимлар ролини эса математик моделлаштириш бажаради.

Шундай экан, олий таълим муассасаларида талабаларни математик моделлаштиришга ўргатилиши математикадан ўқув машғулотларни касбга йўналтирилган ҳолда амалга оширишда талабаларнинг касбий билимларни шакллантиришга уринишлар орқали эмас, балки юзага келаётган амалий масалаларни ечиш жараёнида тегишли математик моделларга ўтиш орқали математик аппаратни қўллашга ўргатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Талабаларни касбга йўналтиришда математик моделлаштиришнинг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилган. Математик моделлаштиришга ўргатиш

жараёнида талабаларда касбий фаолиятларини такомиллаштириш учун интеллектуал салоҳиятининг ривожланиши, техник ва иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг касбий компетентларини ўсишига хизмат қилади. Бўлғуси мутахассисни ишлаб чиқаришнинг замонавий шароитларида зарур бўлган ва «кенг кўламли» тушунча билан боғлиқ бўлган касбий лаёқатли бўлишига асос солинган.

Математик моделлаштириш орқали бўлғуси мутахассисни касбий фаолиятга тайёрлаш механизмлари ишлаб чиқилган. Олий таълим муассасаларида математик моделлаштириш кўникмасини шакллантириш, математиканинг кундалик ҳаётда қўллана олишини кўрсатибгина қолмай, балки етарли даражадаги салоҳиятга эга бўла туриб, талабаларни касбий характеристикада қайд этилган, касбий функциялар ва ишлаб чиқариш меҳнатни бажаришга ҳам йўналтирган.

Масалан, моделлаштиришни ўргатишда талабаларда функция тушунчасининг қандай даражада шаклланганлиги катта аҳамиятга эга ҳисобланади, чунки ҳар қандай модель ичига функциялар киради ва айнан математик моделнинг ўзи муносабатлар системасидан иборат бўлади.

Функциянинг аҳамиятига бу ерда баҳо бериш қийин, чунки функционал боғлиқликнинг ғояси моделлаштиришнинг асосий ғояси ҳисобланади.

Демак, реал жараённинг математик модели боғлиқликлар математикасидан иборат бўлади, аммо бу дегани барча математик моделлар фақат нисбийликлардан иборат, дегани эмас.

Масалан, геометрик моделлар. Конус тушунчасининг киритилиши уни талабаларга деталларнинг маълум бир йиғиндисининг математик модели сифатида кўрсатилиши геометрик моделларни кўра билиш ва тадқиқ этишни ривожлантирилишига олиб келади.

Бу сифат техник йўналишдаги мутахассис учун ниҳоятда муҳим, чунки у ўзининг касбий амалий фаолиятида деталлар ва чизмаларга кўп марта дуч келади.

Олий таълим муассасаларида талабаларга математик моделлаштиришни ўргатишга йўналтирилган ўқув курсининг мазмуни: «таркиби», «тузилиши», «функциялари», «асосий элементлари» ҳамда улар орасидаги «боғлиқликлар» асосида ишлаб чиқилган ва таълим амалиётида синаб кўрилган.

Талабаларни математик моделлаштиришга ўргатишнинг белгиланган йўналиши доирасида талабаларга математик моделлаштиришни ўргатиш ўқув курсининг математик материални танлаш ва ишлов беришнинг қуйида кўрсатилган асосий мезонларини ажратиб олишга имконият беради:

математик материални ихтисослик ва уни талабага етказиш учун кетадиган ҳажми ва вақтини аниқлаб берувчи информацион сиғим мезони;

ижодий фикрлашга лаёқатли, уйғунлик билан ривожланаётган шахсни шакллантиришнинг ижтимоий эффективлик мезони;

математик билимлар, кўникма ва малакалар системасига доир тўлиқ тушунчаларни таъминланишини фараз қилувчи интеллектуал сиғим мезони;

математикани ўқитиш-ўргатишга ва шу орқали – бўлғуси касбига нисбатан қизиқишни оширувчи ва қўллаб-қувватловчи англоувчанлик мезони;

техника фанлари зарурати учун ўрганилаётган материалнинг моҳиятини белгилайдиган илмий аҳамият мезони;

бўлғуси касбий фаолиятда математик билимларнинг кенг кўламда қўлланилиши мумкинлигини кўрсатувчи амалий аҳамият мезони.

Ўқув курсининг мақсади – олий таълим муассасаларида талабаларга математик моделлаштиришни ўргатиш методикаси асосида бўлғуси мутахассиснинг фаолияти даврида математик моделлаштириш методларини амалиётга қўллаш кўникмасини шакллантиришдан иборат. Шунинг учун ушбу ўқув курсини ўргатиш «ноу-хау» тамойилларига асосланган.

Математик моделлаштиришни ўргатиш бўйича ўқув курсининг мазмуни олий таълим муассасаларида олий математиканинг асосий дастурига киритилмаган математик моделлаштириш методларини ўргатишга бағишланган бўлиб, ўйинли моделлаштириш, оптимизацион моделлаштиришнинг айрим турлари ва уларни ўқитиш методларини камраб олган.

Моделлаштиришни ўргатишнинг ташкилий шаклини аниқлашда, асосий шакллар сифатида маърузалар, амалий ва аралаш машғулотларни кўрсатиш мумкин. Таълим жараёнини ташкил этишнинг етакчи шакли сифатида гуруҳларда ўқитиш методи асосий ўрин тутди. Моделлаштириш таркиби сифатида белгиланган мақсадга эришишга хизмат қилувчи ўқув материали олинади.

Талабаларга олий математикани ўқитишда ўқув кўникмаларини шакллантиришга омил бўладиган, математик моделлаштиришга ўргатишнинг услубий жиҳатдан қулай, «жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш» тамойилидан келиб чиқилдиган усул ва технологияларга асосланган ўқитиш методикаси такомиллаштирилган.

Педагогика ўқитишнинг замонавий, самарали методларини ижодий равишда излаб топишга ёрдам беради. Шу сабабли таълим методлари олдида куйидаги асосий талаблар қўйилади:

1. Ўқув материални ўрганиш йўли фикр юритишнинг дидактик-материалистик усулларини, миллий мафкура ва қадриятларга асосланган ахлоқ, хулқ-атворнинг иродавий сифатларини шакллантиришга олиб келиши керак.

2. Таълим методи илмий далиллар билан аниқ асосланган бўлиши лозим.

3. Таълим методларининг тизимлилиги уларнинг самарадорлик даражасини белгилайди.

4. Таълим методлари олдига муқаррар тарзда қўйиладиган яна бир талаб - уларнинг тушунарли бўлиши.

5. Инсонни сезги органлари орқали билишга ўргатиш ва ўқув жараёнида кўргазмаларни курашдан кўпроқ фойдаланиш.

6. Билимлар асосли ва пухта бўлиши керак. Таълим берувчининг тушунтириши ва таълим олувчиларнинг ўзлаштириш усули режалаштирилган ёки мўлжалланган натижани бериши лозим.

Математик моделлаштириш элементлари ўқувчиларга дастлаб ўрта таълим мактабларида бошланғич синфларда матнли масалаларни ечиш жараёнидан бошлаб ўргатилади. Мазкур тадқиқотни амалга ошириш жараёнидаги кузатишлар ва изланишлар эса, талабалар матнли масалалар билан ишлаш вақтида ундаги тенгламани тузиш учун зарур бўлган қонуниятлар ва келтирилган қийматлар орасидаги боғлиқликларни ажрата олмасликлари намоён бўлди. Мазкур қийинчиликларни юзага келишига асосий сабаблардан бири талабадаги тенглама ҳақидаги «битта ўзгарувчига эга бўлган тенглик», деган таассурот асосий ўрин тутди. Тенглама тўғрисидаги бундай тасаввур шаклланишининг мактаб даврида уни ечишни ўргатиш жараёнида бўлса-да, тенглама тузиш учун етарли эмаслиги. Масалани ечишда эса, тенглама – масала мазмунида келтирилган катталиклар орасида мавжуд бўлган қонуниятлар ва муносабатларни ўзида мужассамлаштириб (бунда айрим катталиклар маълум, айримлари эса номаълум бўлиши мумкин), улар ўзларининг аниқланиш шартларига кўра, турли талабаларни ўртага қўйиши мумкин, яъни у қайсидир жараённинг математик модели бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам тенгламага нисбатан, уни математик модель сифатида қабул қилиш учун ёрдам, ёндашув керак бўлади. Тенгламага нисбатан бу каби ёндашув талабаларга матнли масалаларни ечиш жараёнида битта катталиқни ифода қиладиган ва таркибига изланаётган катталиқни олган айрим муносабатлар ва боғлиқликларни аниқлаш имкониятини беради. Мазкур шундай функцияларни танлаб олиш керакки, улар биринчидан, изланаётган катталиқларни қулай усулларда аниқлаш имконини берсин, иккинчидан, етарли даражада содда кўринишдаги математик моделни яратишга имконият берсин. Матнли масалаларни ечиш жараёнида тенгламаларни тузиш ана шундай тарзда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тадқиқот ишимизда математик моделлаштиришни қўллаб, математик масалани ўқитиш кўрсатиб ўтилган.

Маълумки, фан – дунё ҳақидаги объектив билимлар мажмуи. Билимлар эса ўқиш, ўрганиш ва тажриба ёки амалиёт орқали шаклланади.

Билимга қуйидагича таъриф бериш мумкин: билим – табиат, жамият ва тафаккурнинг қонуниятлари тўғрисидаги илмий тушунчаларнинг яхлит ва тизимлаштирилган йиғиндиси.

Билимларнинг тезкорлиги – бу ўрганилган билимлар ўзгариши мумкин бўлган кўп вариантли вазифаларни тақдим этиш ва улардаги қарорлар қабул қилишни ўз вақтида бажариш орқали аниқланади.

